

## 2 - 3. Улар ғайбга иймон келтирадиган, намозни тўкис адо этадиган

02:53 / 23.04.2017 3874

﴿نُوقِفُنِيْ مُهَانَ قَزَرَ اَمَّ وَوَالصَّلَاةِ نُوْمِيْ قِيْ وَبِغِيَابِ نُونْمُوِيْ نِيْ دَلَا﴾

Бақара 3. **Улар ғайбга иймон келтирадиган, намозни тўкис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қиладиганлардир.**

Ушбу оятда Қуръон ҳидоятдан баҳраманд бўла оладиган тақводорларнинг сифатларидан учтаси саналган:

Биринчиси – «**ғайбга иймон келтирадиган**».

Абул Олия ғайбга иймон келтиришнинг тафсирида: «**Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, жаннатига, дўзахига, мулоқотига, ўлимдан кейинги ҳаётга ва қайта тирилишга ишонишдир**», – деган эканлар.

Имом Ҳоким Амр ибн Шуъайбдан ривоят қиладилар:

«Бир куни Набий алайҳиссалом саҳобаи киромларига:

– Сизнингча, кимнинг иймони ажойиб? – дедилар. Саҳобалар:

– Фаришталарники, – дейишди. У зот:

– Улар Роббларининг олдида туриб, иймон келтирмасалар, қандай бўлади?  
– дедилар. Саҳобалар:

– Пайғамбарларники, – дейишди. Набий алайҳиссалом:

– Уларга ваҳий тушиб туриб, иймонга келмасалар, қандай бўлади? – дедилар. Саҳобалар:

– Бизники, – дейишди. У зоти бобаракот:

– Мен ораларингизда туриб, иймон келтирмасаларингиз, қандай бўлади? – деб туриб, сўнгра ўзлари жавоб қилдилар:

- Мен учун халойиқнинг ичида иймони ажойиби сизлардан кейин саҳифалардаги Китобга иймон келтирган қавмлардир, - дедилар».

Ҳақиқатан, инсон ғайбга иймон келтириш билан ҳайвондан ажралиб туради. Чунки ҳис қилиш аъзолари ёрдамида уларга моддий таъсир этувчи нарсаларни идрок қилиш билан ишониш ҳайвонларда ҳам бор. Ғайбга иймон келтириш туфайли инсон ўзини ўраб турган ҳиссий дунёдан чексиз уфқли, кенг оламга чиқади.

Иккинчиси - **«намозни тўқис адо этадиган».**

Улар Аллоҳга ибодат қиладилар. Бандага қул бўлишдан озод бўлиб, бандаларнинг Парвардигорига қул бўладилар. Намоз орқали банда Аллоҳ таолога боғланади. Шунингдек, бошқа улкан яхшиликларга эришади.

Учинчиси - **«Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қиладиган».**

Тақводор мўмин-муслмон одамнинг эътиқодига кўра, унинг қўлидаги мол-дунё Аллоҳ берган ризқдир, ўзи яратган нарса эмас. Шунинг учун ҳам тақводор инсон Аллоҳ берган ризқдан ўзининг заифҳол, муҳтож биродарларига садақа қилади.

«Садақа» сўзининг тасдиқ маъноси бор, мол-дунёсини сарфлаб садақа қилишда эътиқоддаги маънонинг, яъни яхшилик қилиш маъносининг тасдиғи бор.

«Нафақа» эса умумий сўз бўлиб, «закот», «хайр-эҳсон», «садақа» каби маъноларни англатади.